

«ТАСДИКЛАЙМАН»  
Сурхондарё вилоят автомобиль  
йўллари худудий бош бошқармаси  
**бошлиғи**



Ж.Б.Қиличев

2022 йил

Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиши амалга ошириш ишлари  
бажарувчи ташкилотга талаб этиладиган хизматлар ва хужжатлар рўйхати

### **ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ ҲУЖЖАТЛАРИ**

**СУРХОНДАРЁ-2022 йил**

## **УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР**

### **Энг яхши таклифларни танлаб олиш предмети**

Харид комиссияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ти ЎРҚ-684-сонли Қонуни ва Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 3016, 26.05.2018 й.) асосан амалга оширади.

### **Энг яхши таклифларни танлаб олишни ташкил қилишнинг асосий мақсадлари қўйидагилар:**

Энг яхши таклифларни танлаб олишни ўтказиш очик турда бўлиб, лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқишини амалга ошириш ишлари бажариш бўйича танлашни ўтказиш кўзда тутилган.

#### **Тўпламлар сони: 1 комплект**

Хизматларнинг бошлангич нархи ва бажариладиган ишларнинг тафсилоти **ТЕХНИК ТОПШИРИКДА** курсатилган.

Барча бирламчи рухсат берувчи хужжатлар, мухандислик геологияси, гидрогеология хулосаси (талаб этилганда), АТТБ (ЗВОС) лойиҳаси ва экологик экспертизасидан ўтказиш, қўшимча (газ, сув, электр, бурғу қудуғи ва х.к.) лойиҳа хужжатлари (талаб этилганда), муаллифлик назорати ишлари, техник кўрик (талаб этилганда) ишлари, лойиҳа-смета хужжатларини экспертиза кўригидан ўтказишни молиялаштириш ва ташкил этиш билан бирга бажарилиши лозим.

Хизмат кўрсатиш муддати: 30 кун.

Бюджет маблағлари ҳисобидан лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқишини амалга ошириш хизматини кўрсатувчи ташкилотни аниқлаш бўйича энг яхши таклифларни танлаб олишни ўтказишдан мақсад – мазкур объектнинг лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқадиган ташкилотни аниқлаш.

**Буюртмачи – Сурхондарё вилоят автомобиль йўллари худудий бош бошқармаси**

Манзили: Термиз ш. Олмазор кўчаси 42 уй

Танловни ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул шахс – Бошқарманинг Бирламчи рухсат берувчи, лойиҳа хужжатлари ва танлов хужжатларини тайёрлаш бўлими бош мутахассис Темиров Комилжон Мамаражабович.

Тел.: (97) 850-10-70

### **Давлат буюртмачиси**

мустакил равишда ёки ихтисослашган ташкилотни жалб этган ҳолда товарнинг (ишининг, хизматнинг) бошланғич нархини белгилаш, бундан конунчиликда белгиланган ҳоллар мустасно;

давлат харидларини амалга оширишда <https://etender.uzex.uz> веб-сайт порталига ва ўзининг юқори турувчи органи расмий веб-сайтига, шунингдек

оммавий ахборот воситаларига эълон жойлаштириш;

харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларидан энг яхши таклифларни танлашни ва тендерни ўтказиша давлат харидлари тўғрисидаги шартнома (бундан буён матнда шартнома деб юритилади) тузиш ва (ёки) шартнома мажбуриятларини бажариш бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайдиган закалат ёки банк кафолатини киритишни талаб қилиш;

харид қилиш тартиб-таомилларининг барча иштирокчиларига татбиқ этиладиган таклифларни тақдим этиш муддатларини узайтириш;

қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари таклифларининг амал қилиш муддатини муайян даврга узайтириш тўғрисидаги таклиф билан уларга мурожаат қилиш хуқуқига эга.

Давлат буюртмачиси қонунчиликка ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа хуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Давлат буюртмачиси:

давлат харидларини режалаштириши;

ушбу Қонунга мувофиқ харид қилиш тартиб-таомили турини танлаш тўғрисида қарор қабул қилиши;

қонунчиликда белгиланган тартибда давлат харидларини амалга ошириши;

давлат харидлари тўғрисидаги ахборотни қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатларда маҳсус ахборот порталига жойлаштириши;

харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларининг товарлар (ишлар, хизматлар) ва давлат харидларининг тартиб-таомиллари билан боғлиқ сўровлари бўйича уларга қонунчиликка мувофиқ тушунтиришлар бериши;

харид қилиш тартиб-таомилларининг ғолиб деб топилган иштирокчилари билан шартномалар тузиши, шунингдек уларнинг ижро этилишини таъминлаши;

давлат харидларини амалга оширишда аффилланганлик тўғрисидаги ахборотни тақдим этиши;

бўлажак давлат харидлари тўғрисидаги эълонларни факат молиялаштириш манбалари ва микдорлари мавжудлиги тасдиқланган тақдирдагина маҳсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизими (<https://etender.uzex.uz/>)га ва оммавий ахборот воситаларига жойлаштириши шарт.

## **Харид комиссияси**

Харид комиссияси қуйидаги вазифаларни бажаради:

харид қилиш хужжатларини келишади;

таклифлар қабул қилиш муддатларини белгилайди;

таклифларни очиш тартиб-таомилларини белгилайди;

таклифларни баҳолаш мезонларини ва усусларини белгилайди;

зарур бўлганда таклиф киритиш тартибини, ҳажмини ва уни таъминлаш шаклини белгилайди;

харид қилиш тартиб-таомили иштирокчиларининг таклифларини очишни амалга оширади;

дастлабки малака танловини ўтказади, агар харид қилиш хужжатлари шартларида бу назарда тутилган бўлса;

зарур бўлганда дастлабки малака танлови натижаларини ҳисобга олган ҳолда қарор қабул қиласди;

зарур бўлганда баҳолаш гуруҳини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қиласди;

харид қилиш тартиб-таомилларини ушбу Қонунга мувофиқ амалга оширади;

харид қилиш тартиб-таомилларининг рақобатлашув турлари ғолибини ва зарур бўлганда захирадаги ғолибни белгилайди ёки савдони амалга ошмаган деб топади.

### **Ихтисослашган ташкилот**

Ихтисослашган ташкилот қуйидаги хизматларни кўрсатади:

товарнинг (ишнинг, хизматнинг) бошланғич нархини аниқлайди, бундан қонунчиликда белгиланган ҳоллар мустасно;

маркетинг тадқиқотларини ва бошқа тадқиқотларни ўтказади;

реклама ишларини ташкил этади;

харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказиши тўғрисидаги хабарномалар, эълонлар матнларини, харид қилиш ҳужжатларини расмийлаштиради;

харид қилиш тартиб-таомиллари талаблари, шартлари ва улар бўйича тушунтиришлар матнларини қонунчиликка мувофиқ тайёрлайди;

давлат буюртмачисига харид қилиш тартиб-таомилининг турини таклиф қиласди;

давлат буюртмачисининг ёзма мурожаатига кўра давлат харидларининг тартиби ва муддатлари тўғрисидаги ахборотни давлат харидларининг электрон тизимида ва маҳсус ахборот порталига қонунчиликка мувофиқ жойлаштиради;

ғолиблар билан имзоланадиган шартномалар лойиҳаларини тайёрлайди;

давлат буюртмачисининг ёзма топшириғига кўра бўлажак давлат харидлари тўғрисидаги эълонларни фақат молиялаштириш манбалари мавжудлиги тасдиқланган тақдирда, жойлаштиради;

давлат буюртмачисининг ёзма топшириғига кўра харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларига ўз таклифларининг амал қилиш муддатини муайян муддатга узайтириш тўғрисидаги таклиф билан мурожаат қиласди;

харид комиссияси мажлисларининг баённомаларини расмийлаштиради;

харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказиши якунлари бўйича ҳисботлар тузади;

харид қилиш тартиб-таомилида иштирок этиш учун таклифномалар юборилишини таъминлайди.

### **Давлат харидларида коррупцияга йўл қўймаслик**

инсофли рақобатни ва қарорлар қабул қилиш чоғида холисона мезонлардан фойдаланишини;

мониторинг ва назорат ўтказишнинг, шу жумладан ички мониторинг ва назорат ўтказишнинг самарали тизими яратилишини;

Қонун ва давлат харидлари соҳасидаги бошқа қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиши ҳоллари тўғрисидаги маълумотлар ахборотнинг очик

манбаларида эълон қилиб борилишини;

давлат харидлари тартиб-таомиллари Конунда белгиланган талабларга мувофиқ ўтказилишини таъминлаш йўли билан амалга оширилади.

### **Иштирокчи**

давлат харидлари тўғрисидаги ахборотдан қонунчиликда назарда тутилган ҳажмда фойдаланиш;

давлат буюртмачисига ёки ушбу буюртмачи томонидан жалб этилган ихтисослашган ташкилотга муайян давлат харидларининг тартиб-таомиллари, уларни ўтказиш талаблари ва шартлари бўйича сўровлар бериш ҳамда улардан тушуниришлар олиш;

харид комиссияси томонидан таклифлар очилаётганда белгиланган тартибда иштирок этиш;

Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссияга харид қилиш тартиб-таомиллари натижалари юзасидан шикоят қилиш;

қонунчиликка мувофиқ таклифларга ўзгартиришлар киритиш ёки уларни қайтариб олиш ҳуқуқига эга;

давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиши;

харид қилиш хужжатлари талабларига мувофиқ бўлган таклифлар ва хужжатларни тақдим этиши ҳамда тақдим этилган ахборотнинг ишончлилиги учун жавобгар бўлиши;

асосий бенефициар мулкдор тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиши;

ғолиб деб топилган тақдирда, давлат буюртмачиси билан қонунчиликда назарда тутилган тартибда ва муддатларда шартнома тузиши шарт.

### **Давлат харидларининг ижрочиси**

давлат буюртмачиси билан тузилган шартномани бажариш жараёнида тушуниришлар олиш учун унга мурожаат қилиш;

етказиб берилган товар (иш, хизмат) учун ҳақ олиш;

шартнома шартларига мувофиқ ва (ёки) қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга;

қонунчилик талабларига риоя этиши;

шартномани унинг шартларига мувофиқ бажариши;

асосий бенефициар мулкдор тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиши;

шартномани бажариш жараёнида давлат буюртмачисига ёки ваколатли давлат органига унинг сўрови бўйича тушуниришлар ва ахборот бериши шарт.

### **Иштирокчига танлашда қатнашиш учун қўйиладиган малака талаблар ва тақдим этилиши лозим бўлган хужжатлар**

Иштирокчи таклифларни тайёрлайди ва харид комиссияси тақдим этади. Уларнинг фаолиятини баҳолаш учун зарур бўлган қўшимча ахборотни тақдим этади (Харид комиссиясининг сўровига кўра).

Иштирокчиларнинг малака кўрсатгичларива берилган таклифлари Харид комиссияситомонидан баҳоланади.

Иштирокчилар қуйидаги хужжатлар ёрдамида малака кўрсатгичлари ва таклифларни тақдим этиши лозим:

- корхона ва ташкилотларининг кичик ёки йирик бизнес субъектларига тегишлилиги тўғрисидага маълумотнома;
- юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг нусхаси;
- тегишли ваколатли орган томонидан берилган Лойиҳа ишларини олиб бориш хуқуқини берувчи лицензия нусхаси;
- Танловда иштирок этиш учун ариза (1-шакл);
- Иштирокчи қайта ташкил қилиниш, тугалланиш ёки банкротлик, буюртмачи билан суд ёки ҳакамлик судида тортишув ҳолатида эмаслиги, шунингдек аввал тузилган шартномалар бўйича керакли тарзда бажарилмаган мажбуриятлар йўқлигини тасдиқловчи кафолат хати (2-шакл);
- Танлов иштирокчиси ҳақидаги умумий маълумотлар (3-шакл);
- Иш тажрибаси (4-шакл);
- Танлов иштирокчисининг молиявий ҳолати (5-шакл);
- Нархга оид таклиф (6 шакл);
- Мавжуд моддий-техника воситалари тўғрисида маълумот (7 шакл);
- Ишлаб чиқариш базаси ваофиси борлиги (ўз балансида бўлса кадастар хужжатлари, ижарада бўлса ижара шартнома, вилоят ҳудудида бўлиши шарт);
- Курилиш майдони билан танишганлиги ва бажариладиган ишлар тўғрисида маълумот (фотосуратлар, лойиҳа таклифи);
  - барча бирламчи рухсат берувчи хужжатлар, архитектура режалаштириш топшириғи (АРТ), топосъемка, мухандислик геологияси, гидрогеология хulosаси (талаб этилганда), АТТБ (ЗВОС) лойихаси ва экологик экспертизасидан ўtkазиш, қўшимча (газ, сув, электр, бурғу қудуғи ва х.к.) лойиҳа хужжатлари (талаб этилганда), муаллифлик назорати ишлари, техник кўрик (талаб этилганда) ишларининг харажатлари рўйхати(**тақдим этилмаса таклиф рад этилади**)

Иштирокчи танлов таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш давомида сарфланган барча молиявий харажатларни ўз ҳисобидан қоплади.

Танловда ғолиб чиқсан тақдирда буюртмачи билан шартнома тузади.

**Танлаш ғолиби** – таклифларни балли методда баҳолаш якунлари бўйича танлашда энг яхши таклиф берган иштирокчи ғолиб бўлади.

**Захирадаги ғолиб** – энг яхши таклифларни танлашда ғолибидан кейинги ўринда турган паст балл тўплаган иштирокчи.

**Танлашда қуйидаги иштирокчиларнинг таклифлари рад этилади:**

-юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳнома, лойиҳа ишларини олиб бориш хуқуқини берувчи лицензияга эга бўлмаган;

- шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурслари мавжуд бўлмаган;
- шартнома тузиш учун қонуний хуқуқقا эга бўлмаган;
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона рўйхатида бўлган;

- ишлаб чиқариш базаси, офиси, оргтехника ва ўлчов асбоблари бўлмаса (бошқа вилоят ҳудудида бўлса);
- соликлар ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорликлар мавжуд бўлса;
- буюртмачи билан суд ёки ҳакамлик судида тортишув ҳолатида бўлса;
- аввалги буюртмаларда имзоланган шартномалар бўйича келишилган мажбуриятларни ўз муддатида бажармаган;

Буюртмачи қуидаги ҳолларда иштирокчини харид тартиб-таомилларида қатнашишдан четлаштиради, агар:

- иштирокчи бевосита ёки билвосита мижознинг ҳар қандай амалдаги ёки собиқ мансабдор шахсини ёки ходимини ёки бошқа давлат органининг ҳар қандай шаклда маблағ, иш таклифини ёки бошқа ҳар қандай қимматбаҳо буюмларни ёки хизматларни таклиф қилиши, бериши ёки беришга рози бўлганлиги - ёки харидорнинг давлат харидлари жараёнида харакатлари юзасидан қарор қабул қилиши ёки ҳар қандай рақобат тартибини қўллаши;
- иштирокчи қонунга хилоф равища адолатсиз рақобат устунлиги ёки манфаатлар тўқнашувига эга бўлса.

### **Махфийлик**

Давлат буюртмачисининг ёки давлат харидлари электрон тизими операторининг ходими ўзининг давлат харидлари ижрочилари ёки ҳар қандай бошқа шахс билан муносабатларида, агар бундай ахборотни ошкор этмаслик давлат хавфсизлиги манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлса ёки агар бундай ахборотнинг ошкор этилиши қонунчиликка зид бўлса, уларга риоя этилишини таъминлашга монелик қилса, давлат харидлари субъектларининг қонуний манфаатларига заар етказса ёхуд инсофли рақобатга тўсқинлик қилса, агар давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган бундай ахборотни ошкор этиш тўғрисида қарор қабул қиласа, ҳеч бир ахборотни ошкор этишга ҳақли эмас.

Давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган бундай ахборотни ошкор этиш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда, ушбу қарорнинг шартларига риоя этилади.

Харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси харид қилиш тартиб-таомилида иштирок этиб, унинг харид қилиш тартиб-таомилида иштирок этиши билан боғлиқ таклифда ўзи кўрсатган барча маълумотларнинг эълон қилинишига розилик билдиради.

### **Танлаш хужжатининг таркиби**

Иштирокчи унга берилган танлаш хужжатини ва шу билан бирга барча кўрсатмалар, шакллар, шартлар ва техник тафсилотларни тўлиқ үрганиб чиқиши шарт.

Танлаш хужжатларида кўрсатиб ўтилган барча талаб қилинган маълумотларни бермаслик ёки таклифнинг танлаш хужжатлари талабларига тўлиқ тўғри келмаслиги, таклифнинг қабул қилинмаслигига олиб келади.

### **Танлаш хужжатларига аниқлик киритиши**

Хужжатларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга қадар Иштирокчи танлаш хужжатларига қандайдир аниқлик киритиш учун танлов комиссиясига ёзма равища мурожаат қилишлари мумкин:

Комиссияси иштирокчининг сўровига кўра Таклифларни тақдим этишнинг сўнгги муддатидан камидан З кун олдин сўров манбасини қўрсатмаган ҳолда танлашнинг барча қатнашчиларига мажбурий тартибда жавоб юбориб, танлаш хужжатларининг моҳияти ёки мазмуни билан боғлиқ саволга ёзма жавоб бериши шарт.

### **Танлаш хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш**

Давлат буортмачиси харид комиссияси билан келишилган ҳолда танлашда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан бир иш кунидан кечиктирмай танлаш бўйича харид қилиш хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Бунда ушбу танлашда таклифларни тақдим этишнинг тугаш муддати камидан уч иш кунига узайтирилади. Шу билан бирга, эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади. Товарларни (ишларни, хизматларни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

### **Танлашда қатнашиш харажатлари**

Танлашда иштирок этиш ва танлаш хужжатини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар иштирокчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Нарх таклифида кўрсатилган нарх танлаш таклифи нархи ҳисобланади.

Танлов таклифи нархи миллий валюта - сўмда тўланиши лозим.

Маҳсулот (хизмат, иш) нархи (таклиф) га барча ҳаражатлар, яъни солиқ ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар киритилади.

Иштирокчи томонидан белгиланган нархлар маҳсулотни етказиб бериш (хизматларни кўрсатиш) мажбуриятларини оҳирига етказилмагунга қадар ўзгартирилмайди (танлов комиссиясининг нархларни тушириш бўйича музокаралар олиб бориши натижасида ўзгартиришлар киритилиши мумкин).

Нархларнинг ошишига қараб ўзгартириладиган нархларни кўзда тутувчи танлаштаклифлари исталган босқичда, танлашталабларига жавоб бермайди деб қаралади ва комиссияси томонидан кўриб чиқилиши рад этилади.

### **Танлашда қўлланиладиган тил**

Иштирокчилар томонидан берилаётган таклифлар, Буортмачи ва иштирокчи ўртасидаги хатлар ва барча тегишли хужжатлар ўзбек тилида тайёрланади.

### **Танлаш иштирокчиларининг таклифларини бериш тартиби**

Танлаш иштирокчиларининг таклифлари эълонда ва танлаш бўйича харид қилиш хужжатларида белгиланган тартибда танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган <https://etender.uzex.uz/> порталига электрон тарзда

киритилади.

Электрон шаклда танлаш ўтказиш чоғида танлаш иштирокчиларининг таклифларини бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Таклифда давлат хариди обьекти бўлган товарнинг эскизи, расми, чизмаси, фотосурати ва бошқа тасвири, нусхаси, намунаси бўлиши мумкин.

Танлаш иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг хақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.

Танлаш иштирокчиси фақат битта таклиф беришга ҳақли.

Танлаш учун таклифларни қабул қилиш маҳсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимида чоп этилган эълонда кўрсатилган муддат келиши билан тугатилади.

### **Таклиф шакли ва нарх жадвали шакллари бўйича тушунтириш**

Иштирокчitanлаштаклифини қатъий равища мазкур танлашҳужжатлари асосида тақдим этиши лозим.

Танлаш таклифи шаклларидаги барча бўш графалар танлашҳужжатлари талаблари асосида тўлдирилиши зарур.

Иштирокчи таклиф этилаётган маҳсулот (хизмат) учун нарх таклифини танлаштаклифи шакли асосида тақдим этиши лозим.

### **Муқобил таклифлари**

Паст техник (функционал) кўрсаткичларга эга бўлган маҳсулот(хизмат) кўринишида берилган таклифлар кўриб чиқилмайди.

### **Танлаш таклифларини расмийлаштириш ва имзолаш**

Танлашда қатнашиш учун иштирокчи танлаш ҳужжатларини имзолаш ваколати бор бўлган ўзининг вакилини тайинлаши мумкин. Вакил томонидан имзолаш учун иштирокчи ўз вакилига тегишли ишонч хати бериши лозим, ишонч хати ташкилотнинг ваколатга эга шахси томонидан имзоланган ва муҳрланган бўлиши керак.

Иштирокчilarнинг таклифлари ип билан тикилган, рақамланган, муҳр қўйилган ва иштирокчининг ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган ёки таклифларнинг ҳар бир вараги имзоланган ҳолда тақдим этиш тавсия этилади. (2022 йил “  ”    гача)

2022 йил “  ”   дан бошлаб берилган таклифлар эълон жойлаштирилган платформада электрон жойлаштирилади.

Танлаш иштирокчisinинг ҳужжатлари имзоланмаган ва муҳрланмаган бўлса кўриб чиқилмайди ва комиссияси томонидан рад этилади.

### **Танлашни ўтказиш**

Келиб тушган таклифлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилади. Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари талабларига мос келмайдиган таклифлар харид комиссияси томонидан рад этилади ва баҳоланмайди. Танлашни ўтказишда иштирокчilarнинг бошланғич нархдан юқори бўлган нарх

бўйича таклифлари харид комиссияси томонидан рад этилади ва баҳоланмайди.

Агар харид комиссияси томонидан иштирокчилардан танлаш бўйича харид қилиш хужжатларида кўрсатилган талабларга жавоб берадиган камида иккита таклиф олинган бўлса, танлаш ўтказилган деб ҳисобланади.

Иштирокчиларнинг барча таклифлари танлаш бўйича харид қилиш хужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида баҳоланади ва танлаш ўтказиш баённомасида қайд этилади.

Танлаш иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиши ва баҳолаш муддати таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан ўн иш кунидан ошиши мумкин эмас.

### **Танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълон**

Танлаш воситасидаги давлат хариди тўғрисидаги ахборот давлат буюртмачиси томонидан чекланмаган миқдордаги шахсларга маҳсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимида, шунингдек давлат буюртмачисининг хоҳишига кўра — унинг расмий веб-сайтига ёки унинг юқори турувчи органининг расмий веб-сайтига, шунингдек оммавий ахборот воситаларида танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонни ва танлаш бўйича харид қилиш хужжатларини жойлаштириш йўли билан маълум қилинади.

Танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълон ва танлаш бўйича харид қилиш хужжатлари давлат буюртмачиси томонидан таклифларни қабул қилиш муддати тугайдиган санадан камида беш иш куни олдин маҳсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимида, шунингдек давлат буюртмачисининг хоҳишига кўра — ўзининг расмий веб-сайтига ёки ўзининг юқори турувчи органининг расмий веб-сайтига, шунингдек оммавий ахборот воситаларида жойлаштирилади.

Харид қилинаётган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) ўзига хос хоссаларидан ёки хусусиятларидан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълонни ушбу модданинг учинчи қисмида белгиланганига нисбатан узокроқ муддатга жойлаштиришга ҳақли.

Танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълон қуидаги ахборотларни ўз ичига олиши керак:

танлашни ўтказиш шакли;

товарнинг (ишнинг, хизматнинг) батафсил тавсифи ва бошланғич нархи;

танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили;

иштирокчиларга қўйиладиган талаблар;

давлат буюртмачисининг иштирокчилар билан боғланиш учун алоқа боғловчи шахслар сифатида белгиланган бир ёки бир нечта мансабдор шахсларининг ёки бошқа ходимларининг фамилияси, исми, шарифи, лавозими ва манзили;

иштирокчилар томонидан таклифлар бериш муддати тугайдиган сана ва вакт;

таклифни расмийлаштиришга доир талаблар.

Танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълон ва (ёки) танлашда иштирок этиш учун таклиф қонунчиликка зид бўлмаган бошқа ахборотларни ҳам ўз ичига олиши

мумкин.

Танловтаклифларини топширишнинг охирги муддатига 3 кун қолгунга қадар танловқатнашчиси ўз таклифлариниқайтариб олиши ёкитаклифга ўзгартириш киритишумкин.

Танлов қатнашчиси томонидан танловхужжатларида талаб этилган маълумотлар тўлиқ тақдим этилмаслиги ёки мазкур танлов хужжатлари талабларига жавоб бермайдиган таклифлар кўриб чиқилмайди ва рад этилади.

### **Танлаш таклифларини баҳолаш ва ғолибини аниқлаш**

Таклифларни таққослаш натижаларига кўра харид комиссияси танлаш ғолибини аниқлайди ва танлаш ўтказиш натижаларини баённомада акс эттиради.

Комиссия танлаш таклифларини техник, ташкилий-молиявий ва тижорат жиҳатдан баҳолаш танлаш комиссияси аъзолари томонидан амалга оширилади.

Танлаш таклифларини баҳолаш вақтида комиссия иштирокчидан унинг танлаш таклифлари борасида тушунтиришлар беришини сўраши мумкин.

Комиссия танлаш хужжатлари шартларига мос келмайдиган ҳар қандай таклифларни қабул қилиш ёки рад этиш хукуқини ўзида олиб қолади.

Танлаш комиссиясининг сўровларига жавоб бера олмайдиган иштирокчилар томонидан тақдим этилган (берилган) ҳар қандай тушунтиришлар кўриб чиқилмайди.

Харид комиссиясининг қарори билан танлаш бўйича харид қилиш хужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонларга мувофиқ ғолибнинг таклифидан кейинги энг мақбул таклифни тақдим этган иштирокчи сифатида эътироф этилган захирадаги ғолиб аниқланиши мумкин.

Баённома давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилиши керак. (2022 йил 1 январгача)

Агар икки иш куни ичida танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътиrozлар келиб тушмаган бўлса, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилади.

Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътиrozлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътиrozлар келиб тушганда, харид комиссияси эътиrozларни кўриб чиқади ва тегишли карор қабул қиласди.

Давлат буюртмачиси томонидан харид комиссиясига тақдим этилган муҳокама натижалари тўғрисидаги ахборот асосида харид комиссиясининг тегишли мажлиси баённомаси расмийлаштирилади ва имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичida давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштирилади.

Танлаш натижалари бўйича тузилган шартнома тўғрисидаги ахборот давлат буюртмачиси томонидан маҳсус ахборот порталига у тузилган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай жойлаштирилади.

**Танлаш қуйидаги ҳолларда бўлиб ўтмаган деб эълон қилинади**

тегишли лот бўйича танлов таклифларини тақдим этишнинг энг охирги муддатигача таклиф тушмаса ёки фақат битта таклиф тушса;

барча танлов таклифлари танлов ҳужжатларига қўйиладиган талабларга мувофиқ бўлмаса;

барча танлов таклифларида танлов ҳужжатлари шартлари билан талаб қилинадиган ҳужжатлар мавжуд бўлмаса;

барча қатнашчиларнинг таклиф этган нархлари товарнинг бошланғич қийматидан юқори бўлса.

Танлашнинг бўлиб ўтмаган, деб эълон қилиниши иштирокчилардан бирон-бирининг мулкий ёки бошқа жавобгарлигига олиб келмайди.

### **Танлаш натижаларини расмийлаштириш**

Танлаш натижаларига доир шартнома танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган таклифда назарда тутилган шартлар асосида тузилади.

Давлат буюртмачиси томонидан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ғолиб шартноманинг шартлари бажарилиши таъминотини тақдим этганидан кейин шартнома тузилишини назарда тутувчи шарт қўйилиши мумкин.

Ғолиб шартнома тузишни рад этган тақдирда унга закалат суммаси қайтариб берилмайди. Агар харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланган бўлса, шартнома тузиш ва унга доир мажбуриятларни бажариш ҳукуқи захирадаги ғолибга ўтади. Бунда захирадаги ғолиб ғолиб томонидан таклиф этилган нарх бўйича (бундан захирадаги ғолиб таклиф этган нарх ғолиб томонидан таклиф этилган нархдан паст бўлган ҳоллар мустасно) шартнома тузади ёки шартнома тузишни рад этиши мумкин.

Агар харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланмаган бўлса ёки захирадаги ғолиб шартнома тузишни рад этган бўлса, давлат буюртмачиси ушбу Қонун талабларига мувофиқ янги танлаш ўtkазиши орқали харидни амалга ошириши мумкин.

**(Иштироқчининг фирмасида)**

1-шакл

№: \_\_\_\_ " \_\_\_\_" 2022 йил

**Сурхондарё вилоят автомобиль  
йўллари худудий бош  
бошқармаси  
Танлов комиссиясисига**

**АРИЗА**

Сурхондарё вилояти \_\_\_\_\_ обьектининг лойиха-смета хужжатларини тайёрлашни амалга ошириш (ЛОТ рақами) бўйича энг яхши таклифларни танлаш хужжатларни ўрганиб чиқиб, ушбу хужжат билан уларнинг олинганлигини тасдиқлаган ҳолда, катнашувчи лойиха ташкилоти номи таклиф хужжатларига мувофиқ мазкур танлашда иштирок этмоқчимиз.

Барча бирламчи рухсат берувчи хужжатлар, архитектура режалаштириш топшириғи (АРТ), топосъемка, мухандислик геологияси, гидрогеология хулосаси (талаб этилганда), АТГБ (ЗВОС) лойихаси ва экологик экспертизасидан ўтказиш, қўшимча (газ, сув, электр, бурғу қудуғи ва х.к.) лойиха хужжатлари (талаб этилганда), муаллифлик назорати ишлари, техник кўрик (талаб этилганда) ишлари, лойиха-смета хужжатларини экспертиза кўригидан ўтказишни молиялаштириш ва ташкил этишни таъминлаймиз.

Шу муносабат билан таклиф хужжатларини йўлламоқдамиз.

Малакавий хужжатлар, шунингдек, танлов таклифида келтирилган маълумотлар ва хужжатлар тўлиқ ва ишончли эканлигини кафолатлаймиз.

Мулоқот учун телефон/факс:

Лойиха ташкилоти номи ва раҳбари  
директори:

\_\_\_\_\_  
(Ф.И.Ш.)

**(Катнашчининг фирма бланкасида)**

2-шакл

№ \_\_\_\_\_ " \_\_\_\_\_ 2021 йил

**Сурхондарё вилоят автомобиль  
йўллари худудий бош  
бошқармаси  
Танлов комиссиясисига**

**КАФОЛАТ ХАТИ**

Ушбу билан шуни тасдиқлаймизки, лойиха ташкилоти номи

- Қайта ташкил қилиниш, тугалланиш ёки банкротлик ҳолатида эмас(*маълумотнома тақдим этиши шарт*);
- Судда ёки ҳакамлик судида тортишув ҳолатига эмас;
- Аввал тузилган шартномалар бўйича керакли тарзда бажарилмаган мажбуриятлари йўқлигини;
- Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмас (*маълумотнома тақдим этиши шарт*);
- Давлат харидлари соҳасида коррупцияга йўл қўймасликка;
- Буюртмани белгиланган муддатда ва сифатли бажарилишини;
- Инсофсиз ижро чиларнинг ягона руйхати (<http://xarid.uz/unfairexecutor>) мавжуд эмаслигимизни кафолатлаймиз.

Лойиха ташкилоти номи ва раҳбари

директори:

\_\_\_\_\_  
(Ф.И.Ш.)

**ҚЎЙИЛМАНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ  
РАҲБАРИ ЁКИ ВАКОЛАТЛИ ШАХС ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНАДИ ВА ТАНЛОВ  
ИШТИРОКЧИСИННИНГ МУҲРИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНАДИ**

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИННИГ ТАШКИЛИЙ СТРУКТУРАСИ ХАҚИДА МАЪЛУМОТ

Танловиштирокчисингишлабчиқариштузилмасини курсатинг (ташкilotning бўлинмалари билан биргаликдаги, бўлинмалар фаолиятининг қисқачата ўрифлайдиган чизмашаклидагитузилмаси) НАМУНА

**ҚЎЙИЛМАНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ  
РАҲБАРИ ЁКИ ВАКОЛАТЛИ ШАХС ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНАДИ ВА ТАНЛОВ  
ИШТИРОКЧИСИННИГ МУҲРИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНАДИ**

### ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

Танловиштирокчисининг номи:		
Раҳбарнинг фамилияси симвоятасининг гисми:		
Манзили ва телефон (факс) раками:		
Юридик мақоми:		
Тузилгансанаси (ким томонидан, берилган ордер ёки буйруқраками):		
Асосий фаолият тури (статистика идорасини кодибўйича):		
ИНН		
ОКОНХ		
ККС туловчи ёки туловчи эмаслиги	№	ККС туловчи
Раҳбарваунинг ўринбосарлари:		
Ф.И.О.	Лавозими	Иш тажрибаси
1.	Директор	
2.	Бош муҳандис (ЛБМ)	
Асосий ходимлар (ЛБМлар, ЛБАлар, бўлимбошликлари, вабошкалар)		
Ф.И.О.	Лавозими	Иш тажрибаси
3.	Архитектор ЛБА (ГАП)	
4.	Лойиха Архитектори ЛА (АП)	
5.	Бўлим бошлиғи	
6.	Участка бошликлари	
7.	Лойиха хужжатларини комплектация қилиш бўлими етакчи мутахассиси	
8.	Смета хужжатларини ишлаб чиқиш бўйича етакчи мутахассис	
9.	Етакчи мутахассис	
10.	Бош мутахассис	
11.	Техник назорат бўлими бошлиғи	
12.	Танлов савдоларини ўтказиш ва танлов хужжатларини ишлаб чиқиш бўлими бошлиғи	

13.	2-тоифали мутахассис	
14.	1-тоифали мутахассис	
15.	Специалист службы материально-технического снабжения	
<hr/>		
Доимий ва мавсумий ишчи ходимлар сони:		
Доимий ишчи ходимлар (жами):		
Мавсумий ёки шартномадаги ишчи ходимлар (жами):		
<b>10 йилданкамбўлмагаништажрибасибор ишчи ходимлар сони кўрсатилсин. (профили бўйича)</b>		
Доимий ишчи ходимлар		
Мавсумий ишчи ходимлар (шартномадаги).		

*Барча ишчи ходимларнинг хуёзжатлари (паспорт, диплом, <https://mehnat.uzdan> QR кодли меҳнат дафтарчаси) асл нусхасидан сканер килиниб, электрон жойлаштирилишини ишарт.*

Иштирокчирахбаринингимзоси: \_\_\_\_\_

Тузишсанаси: «\_\_\_\_\_» 20 \_\_\_\_ й.

**ҚЎЙИЛМАНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ  
РАҲБАРИ ЁКИ ВАКОЛАТЛИ ШАХС ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНАДИ ВА ТАНЛОВ  
ИШТИРОКЧИСИНИНГ МУХРИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНАДИ**

**ОХИРГИ УЧ ЙИЛЛИК БАЖАРИЛГАН ЛОЙИХА-СМЕТА ҲУЖЖАТЛАРИ  
(ИШ ТАЖРИБАСИ)  
(2019 - 2021й.)**

Танлов иштирокчисининг номи: Лойиха ташкилоти

Биз томондан охирги уч йилда бажарилган асосий лойихалар:

№	Лойиха номи	Буюртмачи ташкилот номи	Бажарилган ишлар	Генподряд	Субподряд
1.					
2.					
3.					
4.					
5.					
6.					
7.					
8.					

Охирги уч йил давомида бажарган ишларнинг тўлиқ баёсарилганлиги тўғрисида далолатнома ва ҳисоб-фактураларининг асл нусхасидан сканер килиниб, электрон жойлаштирилиши шарт.

Иштирокчи раҳбарининг имзоси: \_\_\_\_\_

Тузиш санаси: « \_\_\_\_ » 2022 й.

**ҚЎЙИЛМАНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ  
РАҲБАРИ ёКИ ВАКОЛАТЛИ ШАХС ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНАДИ ВА ТАНЛОВ  
ИШТИРОКЧИСИННИГ МУХРИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНАДИ**

**ШАКЛ № 5**

**ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИННИГ МОЛИЯВИЙ АҲВОЛИ**

(Кўйилмага кейинги 3 йилдаги молиявий натижалар хақидаги ҳисобот илова қилинади)

(танловиштирокчинингноми)

(минг. сўм)

АКТИВЛАР	20__ й	20__ й	20__ й	ПАССИВЛАР	20__ й	20__ й	20__ й
<b>Ўзокмуддатлиактивлар</b>				<b>Ўзмаблағлариманбаи</b>			
Асосийвоситалар				Низом капитали			
Шундан Ишлабчикиришфондлари				Тақсимланмаганфойда			
<b>Кодиккиймат</b>				<b>Мажбуриятлар</b>			
Капитал қўйилмалар				Займлар			
Тугалланмаганишлабчикариш				Кредитор қарздорлик			
<b>Жорийактивлар</b>				Шунданмуддатиўтганкарздорлик			
Айланмамаблағлар				Шунданбюджетданкарздорлик			
Уларданишлабчиқаришахирала ри				Шундан ишикаданкарздорлик			
Дебитор қарздорлик							
Шунданмуддатиўтганкарздорлик							
Жами баланс активибуйича				Жами баланс пассивибуйича			

**МОЛИЯВИЙ НАТИЖА**

Номи	20__ й	20__ й	20__ й	Номи	20__ й	20__ й	20__ й
1. Реализацияданолингантушум				8. Соғ фойда			
2. Реализацияданолинган соғ тушум				Шунданассосийфаолиятбўй ича			
3. Реализация килинганимаҳсулотнингишлабчик ариштаннари				Умумхўжаликфаолиятбўй ича			
4. Маъмурийхаражатлар				9. Асосийфаолиятданолинган фойда			
5. Боникахарожатлар				10. Умумхўжаликфаолиятдано лингандойда			
6. Даромадсолигитўловигачафойда				11. Зарар шундан ассосийфаолиятдан			
7. Даромадсолиги				умумхўжаликфаолиятдан			

Баланс фойда \_\_\_\_\_

Охириги 3 йилда банкротлик ёки тўлов қобилиятсизлиги юзасидан суд иши олиб борилганми? \_\_\_\_\_

Бош ҳисобчи \_\_\_\_\_

Рахбар \_\_\_\_\_

муҳр

Сана: «      » 20    й.

ШАКЛ № 7

**ШАРТНОМАДА НАЗАРДА ТУТИЛГАН ИШЛАРНИ БАЖАРИШ УЧУН  
ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ОРГТЕХНИКА ВА БОШҚА ТЕХНИКА(ЖИХОЗ)ЛАР  
РҮЙХАТИ**

N	Техника (жихоз) номланиши	Сони	Ишлаб чиқилган йили	Техник ҳолати
1.				
2.				
3.				
4.				
5.				
6.				
7.				
8.				
9.				
10.				
11.				
12.				
13.				
14.				
15.				

Таикилотда оргтехникалар ва улчов асбоблари мавжудлиги түгрисида тасдиқловчи хуёсжатлар асл нусхасидан сканер килиниб, электрон жойлаштирилиши шарт.

Иштирокчи раҳбарининг имзоси: \_\_\_\_\_

Түзиш санаси: «2022 й.

**ҚЎЙИЛМАНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ  
РАҲБАРИ ЁКИ ВАКОЛАТЛИ ШАХС ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНАДИ ВА ТАНЛОВ  
ИШТИРОКЧИСИНИНГ МУҲРИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНАДИ**